

9-10-2020

CONSTRUCTIVE TRANSFORMATION OF THE STYLE OF SCIENTIFIC THINKING

Gulnoza Sabirovna Sultanova

Samarkand State University Associate Professor of Philosophy, (PhD)

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Sultanova, Gulnoza Sabirovna (2020) "CONSTRUCTIVE TRANSFORMATION OF THE STYLE OF SCIENTIFIC THINKING," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 33.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/33>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

CONSTRUCTIVE TRANSFORMATION OF THE STYLE OF SCIENTIFIC THINKING

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

буюк Турон элларига хос бўлган беқиёс ҳислати ва мардлик, баҳодирлиги билан қадим Турон юртини жаҳонга кўз-кўз қила олди.

Муҳтасар сўз, Соҳибқирон Амир Темурнинг «Биз- ким, мулки Турон...» дея фахрланиши замирида жуда катта фалсафий ҳикмат ва ҳақиқат ётар эканки, биз ва авлодларимиз ҳали асрлар давомида бу фалсафий ҳикматлар махзанини очаверишга бурчлидирмиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://www.faylasuf.uz/index.php/sharq-garb/uzbek/930-temurijlar-davri-falsafasi/?fbclid=IwAR1Hw2VVunWnPy8maoGGsv6CSUk84C1XgXdrxT-dx5Hi4EJ-dUxi5N8xHnk>
2. Ҳаққулов Н.Қ. Талаба-ёшларнинг фалсафий тафаккур маданиятини ўстиришнинг айрим масалалари. // “XXI –аср интеллектуал авлод асри” шиори остидаги Самарқанд ҳудудий илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд, СамИСИ. 2015 йил, 3-4 июнь.
3. Азамат Зиё. Миллий тузугимиз.//«Фидокор» газетаси 2004 йил, 24 август
4. Ҳильда Ҳукхэм. Етти иқлим султони. -Тошкент: Адолат, 1999, 4-бет.
5. Темур тузуклари. – Тошкент: Шарқ, 2011.
6. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат.-Тошкент: 1996.

ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИНИНГ КОНСТРУКТИВ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Самарқанд давлат университети
фалсафа кафедраси доценти
(PhD) Султанова Гулноза Сабировна
Тел: +998915278756
e- mail: sgulnoza33@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада илмий тафаккур тарзида конструктив трансформация муаммоси тизимли, фалсафий-рефлексив тадқиқ қилинган. Мақолада консруктивизм тушунчасининг генезиси, эпистемологияси, тармоқлашуви ва ижтимоий аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: консруктивизм, илмий тафаккур тарзи, трансформация, инновацион фаолият, конструктивлик, янгиланиш ва анъанавийлик, тафаккур тарзи.

КОНСТРУКТИВНАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ СТИЛЯ НАУЧНОГО МЫШЛЕНИЯ

Султанова Гулноза Сабировна
Самаркандский государственный университет
Доцент кафедры философии, (PhD)

Аннотация: В данной статье проведено системное, философско-рефлексивное исследование проблемы конструктивной трансформации стиля научной мысли. В статье анализируется генезис, эпистемология, сетевое и социальное значение понятия консруктивизма.

Ключевые слова: конструктивизм, стиль научной мысли, трансформация, инновационная деятельность, конструктивизм, обновление и традиционализм, стиль мышления.

CONSTRUCTIVE TRANSFORMATION OF THE STYLE OF SCIENTIFIC THINKING

Sultanova Gulnoza Sabirovna

Samarkand State University Associate Professor of Philosophy, (PhD)

Annotation: *In this article, a systematic, philosophical-reflexive study of the problem of constructive transformation in the style of scientific thought was carried out. The article analyzes the Genesis, epistemology, networking and social significance of the concept of conservatism.*

Keywords: *constructivism, style of scientific thought, transformation, innovation activity, constructivism, renewal and traditionalism, style of thought.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, миллий фалсафамизнинг шаклланиши ва ривожланишида катта ижодий имкониятлар ва тараққиёт истиқболи вужудга келди. Хусусан, янги илмий ва фалсафий тафаккур тарзини шакллантириш, бетакрор маънавий қадриятларимиз ва замонавий фан ютуқлари муштараклигига эришиш, энг янги илмий ва фалсафий йўналишларни ривожлантириш, уларга метафалсафий талқин бериш фалсафамиз олдида турган долзарб вазифалар қаторига киради.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозимлиги. ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шартлиги” алоҳида таъкидланган. [1]

Шунингдек, ижтимоий онг ривожини ва тафаккурда янги тамойиллар ва йўналишлар ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда, уларни такомиллаштириш учун кенг имкониятлар очилмоқда [2.9]. Бу имконият эса ёш тадқиқотчилар изланишларида намоён бўлмоқда.

Ижтимоий тараққиёт фан-техника юксалиши давомида янги илмий тафаккур тарзи ва руҳий-маданий ҳаёт ўртасида чуқур монандликнинг мавжуд бўлиши аён бўлиб бормоқда

Илмий тафаккур тарзи ривожланаётган интеллектуал феномен сифатида вужудга келиш, шаклланиш ва ўзгариш босқичларини босиб ўтади. Бу борада, у тадрижий ва инқилобий янгиланиш жараёнларини бошидан кечиради. Тафаккур тарзи учун замин бўлган илмий билиш оламдаги нарсаларнинг хоссалари, ҳаракат ва мавжудлик қонуниятларнинг моҳиятини тафаккурда тушунчалар, назариялар ва таълимотлар ишлаб чиқиш йўли билан инъикос этиш, тушунтиришдан иборатдир.

Тафаккур тарзида ўзининг ғоявий-концептуал ўрнига эга бўлган тарихийлик тамойили, интенцияси изланиш объектларига нисбатан умумий йўналиш, умумий тасаввур беради. Тафаккур тарзи сифатида тарихийлик олимга уфқ, муҳит яратади.

Объектнинг кечаги кунни, бугуни ва эртаси борлигини кўзда тутишини ҳисобга олдирди.

У ёки бу тафаккур тарзига хос бўлган хусусият дастлаб илмий ва фалсафий тадқиқот соҳаларининг айрим йўналишлар доирасида вужудга келади, кейинчалик эса назарий фаолиятнинг бошқа соҳаларига ўтади. Бунга механистик, физикавий, тизимли, кибернетик, синергетик, экологик тафаккур тарзларининг шаклланиши, замон руҳиятининг, шу жумладан, назарий тафаккурнинг етакчи сиймосига айланишлари мисол бўлади.

Тафаккур тарзи маълум тарихий даврга мос келувчи фикрларни, интеллектуал фаолиятнинг умумэътироф этилган жиҳатларини ифодалайди. Авваламбор, унда маълум тарихий давр руҳияти ва илмий идеалларига мос келувчи фикрлар ифодаланади. Аниқ шакллантирилган ва асосланган илмий методлардан тафаккур тарзининг асосий фарқи шундаки, тафаккур тарзи илмий ҳамжамият томонидан бошқариладиган, билишнинг асосий тўғри қонунлари ҳақидаги қатъий бўлмаган қадриятли билимларни ифодалайди.

Классик табиатшуносликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боглиқ бўлган илмий тафаккур тарзининг келиб чиқиши, генезисини таҳлил қилиш жараёни, унинг детерминациясида яширин ижтимоий маданий механизмлар мавжудлигини кўриш имконини беради. Тафаккур тарзининг ана шундай асосий детерминацияларига: ижтимоий-иқтисодий ҳаракатлар, инқилоблар, анъанавийлик ва янгиланиш ўртасидаги кураш, фаннинг институционал ташкиллашганлиги, фандаги алоқалар тизими ва таълим тизимини киритиш мумкин. Булар тафаккур тарзи ва фаннинг янги парадигмаларининг шаклланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тафаккур тарзи тадқиқот усулини ишлатишнинг тарихий ёки анъанавий томонини билдиради. Тафаккур тарзида тадқиқот фаолиятининг маданияти, даражаси, конкрет-тарихий тадқиқот сиймоси акс этилади.

Шу билан бирга, тафаккур тарзи, унинг унсурларининг таркиби эволюцион тарзда, парадигмал алмашинув даврида эса инқилобий равишда ўзгариб боради.

Индустриал жамиятнинг шаклланиши янгиликка нисбатан ижобийлик ва яратувчанлик муҳитини юзага келтирди. Бу жамият машинали ишлаб чиқариш, бозор иқтисодиёти, меҳнатни илмий ташкил қилиш, техник, ташкилий ва иқтисодий рационаликка (оқилона иш юргизишга) асосланган. Янгиликка бўлган интилиш, янгиликни тадбиқ қилиш орқали такомиллашиб бораётган эҳтиёжларни қондириш, турли хизмат кўрсатиш соҳаларини яратиш доимий жараён тусини олади. Табиийки, ижтимоий янгиланиш, унинг назарий ва амалий масалалари тадқиқот предметига айланди. Мазкур тадқиқот, объекти ва предметини шаклланиши жараёнида “Инноватика” фани вужудга келди.

Коструктивизм (constructivisme лотинчадан олиган бўлиб, constructio — қурилиш деган маънони билдиради) фан фалсафасида XX асрнинг 70-йилларнинг охири 80-йилларнинг бошларида эпистемологик йўналиш сифатида вужудга келди. Хусусан П. Вацлавик, Е. Глазерфельд, З. Шмидт, Х. фон Ферстер, У. Матурана, Г.Рот, П.Луманн, Г.Ром ва бошқалар шу фан соҳаси билан шуғулланганлар. [3.142]

Конструктивизмнинг асосий гоёси бизни ўраб турган дунёни тафаккур ва идрок этиш жараёнларда экс этишдан кўра уни консрукциялаштиришимиз фаол яратади. [4.32]

Конструктивистлар содда реализмга, ҳар қандай ва унинг ҳар қандай маҳсулотини билишнинг объектив борлиқ билан ўзаро таъсирда акс этиш натижалари сифатида талқин қилинишига ва бошқаларга қарши чиқадилар. Конструктивизмга кўра, инсон томонидан яратилганидан бошқа ҳақиқат йўқ. Конструктивизмга кўра, инсон ва бошқа мавжудотлар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, у ўйчан, ҳатто фаол ёки фаол эмас, балки конструктив, ижодий ва доимо ўз-ўзини яратадиган мавжудотдир. Аслида илмий тафаккур тарзининг консруктив трансформацияси креативлик (ижодкорлик) механизмини доимий равишда имконият каби муҳим элементни ўз ичига олади. Тафаккур тарзида эса доимий янгиланишлар ва инновациялар конструктив трансформация эвазига амалга ошади.

Радикал конструктивизм позицияларидан унинг вакиллари илмий билимлар ва илмий фаолиятнинг тегишли моделларини қурадилар ва фан фалсафасининг ҳар қандай объектив, детерминистик ва рационал тушунчаларини танқид қиладилар. Бу ҳолат фаннинг когнитив социологияси, ижтимоий психологияси ва инсон фаолияти табиат фалсафаси билан яхши намоён бўлади. [5. 435-463]

Конструктивизм когнитив маънода оламнинг манзарасини яратадиган дунёқараш сифатида тафаккур тарзида намоён бўлади. Конструктивлик тамойили асосида ижтимоий ҳақиқатни аниқлайдиган тафаккур усулидир. Билишда моделларнинг консрукцияси гоёси Швейцария психологи Ж.Пиаже асарларида келтирилган. Тафаккурнинг психологик билим тузилмаларини тасвирлаш учун тил мантиғи ва когнитив назариялардан фойдаланган. Америкалик психолог Ж.Келли “Шахсий конструкциялар” назариясини “конструктивистик алтернативизм” деб белгиланган. Ж.Келли бундай ёндашуви билан олам, одамнинг плюралистик моделлари яъни, кўплигини таъкидлайди. Келли олам ҳақидаги фаразларни яратувчи, уларнинг адекватлигини текширувчи ва уларни тuzатувчи олимга қиёслаб, оддий одам томонидан дунё сурати қурилишини кўриб чиқади. [6.78]

Илмий тафаккур тарзининг конструктивлиги ва ўзгарувчан хоссалари ҳамда қонуниятларини тадқиқ қилиш учун зарур бўлган назарий гоёлар, ёндашувлар ишлаб чиқдилар. Ижтимоий ҳаётда илмий тафаккурнинг консруктив трансформациясига объектив ва субъектив, ички ва ташқи кучлар, турли омиллар таъсир кўрсатади:

Биринчидан, илмий тафаккур тарзининг консруктивлиги фандаги парадигмалар янгиланиши билан ҳам белгиланади.

Иккинчидан, тафаккурнинг конструктив жиҳатларини кучайтириш, фан ва амалиётга тадбиқ қилиш ҳозирги замон тафаккурини шакллантириш ва мутахассислар онгига сингдириш имкониятини беради.

Учинчидан, ҳозирги замон тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси, концептуал моҳияти, унинг ижтимоий зарурияти, ёш мутахассислар ва олимларнинг касбий малакани эгаллашидаги методологик вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январ .uz.u
2. Назаров Қ. Мустақил тараққиёт ва тафаккур янгилиши // Фалсафий кадрятларнинг мустақил Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни. Республика илмий амалий анжуман материаллари. – Т.: 2011. – Б. 9.
3. Конструктивизм // Новейший философский словарь. – Минск, 1999. -С. 679.
4. Абдуллаева М.Н. Конструктивизм эпистемологияда // Глобаллашув шароитида фалсафа ва миллий ғоянинг долзарб масалалари мавзусидаги VI илмий-назарий семинар материаллари. – Тошкент: 2017. –Б. 32-33.
5. Петренко В.Ф. Психосемантика как направление конструктивизма в когнитивной психологии // Когнитивный подход: философия, когнитивная наука, когнитивные дисциплины. М., 2007. - С. 435-463.
6. Келли Дж. Теория личности. Психология личностных конструктов. СПб., 2000. - С. 78.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ

(хориж тажрибаси)

Сохибов Салоҳиддин

ФарДУ Фалсафа кафедраси ўқитувчиси

Аннотация : Ушбу мақолада дунё мамлакатларида коррупцияга қарши курашиш борасидаги илгор тажрибалар, хусусан Австралия, Австрия, Буюк Британия, Хиндистон, Индонезия, АҚШ давлатларида муаммони бартараф этишнинг ахлоқий, маърифий жиҳатлари борасидаги жиҳатлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноят, коррупция, коррупциясиз соҳа, хорижий тажриба, коррупцияга қарши кураш, жамоатчилик фикри, ҳуқуқий саводхонлик, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш.

ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИЕ ОСНОВЫ БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ (зарубежный опыт)

Сахибов Салоҳиддин

Преподаватель кафедры философии ФерГУ

Аннотация: В данной статье анализируется передовой опыт борьбы с коррупцией в странах мира, в частности по морально-воспитательным аспектам ликвидации данной проблемы в Австралии, Австрии, Великобритании, Индии, Индонезии, США.

Ключевые слова: преступность, коррупция, антикоррупционная сфера, зарубежный опыт, борьба с коррупцией, общественное мнение, правовая грамотность, права человека, правоохранительная деятельность.

28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиев Ж Ж	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И	215

10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES**

38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U	263